Ушбу сонда:
2 ТОВОН ПУЛИ марҳумнинг оиласига тўланадиган бўлди
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ биз у ҳақда тўла маълумотга эгамизми?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 13 август, чоршанба № 125 (1550)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЧОРТОҚДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

***Чортоқ туманидаги Короскон бизнес мактабининг тадбиркорлик ва иктисодиёт касб - ҳунар коллежига айлантирилиши муносабати билан жорий йилнинг март ойида бу ерда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган эди.***

Тумандаги 10-акциядорлик қурилиш жамоаси қурувчилари ўқув юртида 500 миллион сўмлик реконструкция ишларини бажаришни ўз зиммаларига олдилар. Хозиргача 760 ўринли ўқув биноси, ошхона, ётоқхона, спорт зали таъмирдан чиқарилиб, электр жихозлари, эшитиши қурилмалари ўрнатилди. Аниқроқ қилиб айтганда мазкур бино қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Коллеж биноси Мустақиллигимиз 12 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

**С.АЪЗАМОВА**

## БИР УМРГА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР




Шундай воқеалар бўладики умрбод унутилмайди. Қамашилик деҳқонларнинг ҳаётида бундай қувончли лаҳзалар кўп.

Юртбошимиз Қашқадарё сафарида бўлганларида воҳа ғаллазорларида ўрим-йиғимнинг бориши ва ғаллакорлар ҳаёти билан яқиндан танишган эдилар. Қамаши туманидаги «Чим» ширкат хўжалигининг Абди Бозоров бригадаси далаларида ҳосилни саранжомлаётган «КЕЙС» комбайни оператори Эштемир Нодиров агрегатига миниб, қудратли техника иш унуми юқорилигининг гувоҳи бўлдилар.

— Ўша лаҳзалар қалбимда абадий муҳрланиб қолган, - дейди Эштемир.

— Қандай муаммолар бор? - деб сўраб қолдилар тўсатдан.

— Муаммоларни ўзимиз ҳал этамиз. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлса, бас.

Президентимиз юзлари офтобда қорайган, қадоқ қўлли комбайнчини оталик меҳри билан бағрларига босдилар.

Туман машина-трактор парки давлат акционерлик жамиятига қарашли «КЕЙС» комбайни бошқарувчиси Жўра Маллаев ҳам юртбошимиз назарига тушган инсонлардан.

— Ҳаётимда кўп унутилмас воқеалар содир бўлган, - дейди у. Лекин Президентимиз билан учрашганим, биргаликда ғалла ўрим-йиғимида қатнашганларини доимо эслаб юраман.

Ўша ҳаёжонли дамларни унутиб бўладими? Унутилмас онлар қалбларига муҳрланиб қолган комбайнчилар бу йилги мавсумда ҳам жасорат кўрсатишди. Ҳамкасблари Файзулло Умрзоқов, Нурали Омонқулов, Ғафур Эргашевлар билан юқори кўрсаткичга эришишди.

Фидойи меҳнат ҳамиша шарафланади. Мавсумда минг гектардан ортиқ майдоннинг ғалласини ўриб, янчиб берганлиги учун Эштемир Нодиров «Тико» автомобили, Жўра Маллаев «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

— Қисқа муддатда 27298 гектар майдоннинг ҳосили йиғиштириб олинди, - дейди биз билан суҳбатда туман машина-трактор парки давлат акционерлик жамиятининг раиси Ғанишер Шаропов. — Далаларда йигирмадан ортиқ «КЕЙС» комбайнлари жавлон урди. Энг муҳими ўрим-йиғим иштирокчиларига меҳрибонлик кўрсатилди.

Яхши дўст доимо мададкор, Қорақалпоқ юртидан келган ўнта «КЛААС» русумли агрегатлар ғаллакорлар оғирини енгил қилди. Б.Юсупов, Ж.Маткаримов, Б.Ўтбасаров, Ф.Собиров сингари комбайнчилар ҳақиқий фидойилик кўрсатиб ишладилар.

Жамият жорий йилда ғалла ўрим-йиғимидан 544 миллион 107 минг сўм даромад олади, дейишмоқда. Шундан соф фойда 47 миллион 314 минг сўмни ташкил этади. Олинган фойданинг 60 фоизи ишчиларга дивидент сифатида тарқатилади.

Мустақиллик деҳқонга ерга эгалик ҳиссини берди. Бугунги баракали ҳосилдан унинг юзи ёруғ, димоғи чоғ. Умрининг ярим асрини она замин меҳрига бағишлаган қорабоғлик Зулфия Пардаева, Бектемир Жўраев каби фермерлар ғалла ҳосилдорлигини гектар бошига 60 центнерга етказидилар.

«Тўқбой», «Ғиштли», «Ғаллакор»,«Чим» ширкат хўжаликлари ғаллакорлари шартнома режасида белгиланганидан икки баробар кўп ҳосил етиштирдилар. Бу Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги энг муносиб совғадир!

**И.ТИЛЛАЕВ**

## Меҳнат ардоқлаган кишилар





Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг аксарият туманларида замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилди. Уларда энг харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси шуки, ақлли машиналар, қудратли дастгоҳларни маҳаллий йигит ва қизлар моҳирлик билан бошқаришмоқда.

***Суратларда: Хоразмдаги «Хонқаҳоп» масъулияти чекланган жамиятнинг моҳир ип йигирувчиси Меҳрибон Ражабова ҳамда «Чортоқипаги» ишлаб чиқариш корхонасининг ташаббускор ишчиси Муҳайё Турсунова.***

**И.ҲАСАНОВ ва Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар**

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

## КОРХОНА БАНКРОТДАН сақлаб қолинди

– Энг катта ютуғимиз, корхонамизни банкротликдан сақлаб қолдик. Оёққа туриб олишимизда, хомашёдан, электр энергиядан, солиқдан йиғилиб қолган қарзларимизни тўлашда юқори ташкилотимиз «Ўзбектемирйўллари» давлат акциядорлик компаниясниг ёрдами катта бўлди. Эндиги вазифамиз – ишчиларга яхши иш шароитлари яратиб бериш, янги технологияларни жорий этишдан иборат. Албатта, бу ишлар қанчалик қийин бўлмасин, тезда амалий ишга ўтиш, ҳамма имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Акс ҳолда ишчиларнинг бизга бўлган ишончи йўқолиб, корхона яна банкротлик даражасига бориб қолади. Бу масъулиятли вазифаларни бажаришда мен фақат сизларга суянаман.

Оҳангарон туманидаги «Эйвалекмахсустемирбетон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига бундан бир йил аввал раҳбар бўлиб келган Абдуғаффор Маннопов ишни ана шу сўзлар билан бошлаганди.

Каловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганларидек, ички имкониятлардан ойлик маошлар миқдорини кўтариш, мунтазам тўлаб бориш имкони топилди.

Маълумки, ишлаб чиқариш технологияларини яхшилаб бориш, ускуналарни янгилаш меҳнат унумдорлигининг ортиши ва маҳсулот таннархининг камайишига олиб келади. Янги директор ишни ана шундан бошлади. Асбоб-ускуналар харид қилиниши, ўрнатилиши учун республика ташкилоти 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни 2 йил муддатга қарзга ажратди. Ишлаб чиқариш жараёнлари тўхтатилмаган ҳолда ускуналар янгиси билан алмаштирилиб борилди. Ўтган давр мобайнида 237 миллион сўмлик янги асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рентабеллик даражасини ошириш энг долзарб масалалардан бири. Буни эътиборга олиб, электр энергия, табиий газ баҳоларининг ортиши муносабати билан темир бетон шпалларининг сотилиш нархлари ҳам республика ташкилоти билан биргаликда қайта кўриб чиқилди. Ҳар бир дона шпалнинг нархи аввал 14 минг сўм бўлган бўлса, энди 25 минг сўмдан сотиладиган бўлди. Натижада 2003 йилнинг биринчи ярим йилида 2 миллиард 48 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати 135,1 фоизни ташкил этди. Бу 152 минг дона темир бетон шпаллари, 453 кубометр темир бетон қувурлари, 364 кубометр бошқа хил маҳсулотлар, 28 минг кубометр норуда маҳсулотларидир. Шунингдек, ўтган ярим йилда 23 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, 4 миллион 640 минг сўмлик пуллик хизмат амалга оширилди.

Ишлаб чиқариш ўсиши билан бирга ишчи ва хизматчиларнинг моддий аҳволи яхшиланиб борди. Ҳозирги кунда корхонада меҳнат қилаётган 948 нафар ишловчининг ўртача ойлик маоши 48 минг 500 сўмга тўғри келаяпти. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир ярим баравар кўпдир. Бундан ташқари, меҳнат таътилига чиқаётганларга, пенсияга кузатилаётганларга моддий ёрдам берилиши йўлга қўйилди.

Бунинг натижасида ишчиларда меҳнатга муносабат яхшиланди. Янги ускуналар билан бирга меҳнат муҳофазаси масалаларига эътибор кучайди. Хавфсизлик тўсиқлари ўрнатилди. Ишчиларга махсус кийим-бош тарқатилди. Тушлик овқат ҳам бепул. 2003 йил бошига келиб корхонадаги иқтисодий аҳвол бир мунча яхшилангач, апрел ойи бошидан ҳар бир ишчи учун сарфланадиган овқат пули 300 сўм ўрнига 500 сўмга етди. Асосий эътибор таомларнинг хилма-хиллиги ва сифатли бўлишига қаратилди. Ўтган ярим йилда ушбу мақсад учун 44 миллион сўм сарфланди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Худойберди Жонзоқовнинг кундалик ишлари ҳам кўпайиб қолди. Ўтган ярим йилнинг ўзида ишчи ва хизматчилардан 30 нафари турли санаторийларда даволаниб, дам олиб қайтдилар. Яна йўлланмалар сўраб ёзилган 7 та ариза раиснинг иш столида турибди. Ишчиларнинг 20 нафар фарзандлари оромгоҳларда дам олишмоқда. Ёрдамга муҳтож оилаларга 5 миллион 800 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Корхона Оҳангарон, Пскент, Ўрта Чирчиқ туманларининг чегарадош ҳудудларида жойлашганлиги учун ҳам ишчи ва хизматчиларнинг асосий қисми атроф қишлоқлардан қатнаб ишлайди. Уларнинг ишга ўз вақтида келиб, кетишлари учун эҳтиёт қисмлар етишмаслиги натижасида тўхтаб қолган учта автобус таъмирланди.

Айни пайтда ҳар уч сменага ишчилар автобусларда қатнамоқдалар. Уларнинг турар жойга бўлган эҳтиёжи ҳам жамоа шартномасида акс этган бўлиб, ушбу масала бошқарув ва касабақўм йиғилишларида тез-тез муҳокама қилинади. Кейинги вақтларда Эйвалек қишлоғидаги корхонага қарашли 19 та турар-жой биноларини сув, электр энергия, газ билан таъминлаш, айрим таъмирлаш ишлари учун ўтган ярим йилда 33 миллион 500 минг сўм сарфланди. Турар-жойлар билан бирга қишлоқдаги 10-мактаб ва боғчани таъмирлаш ҳам корхона кўмаги билан бажарилди. Йилнинг иккинчи ярмида 4 та кўп қаватли бинони таъмирлаб, фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда 4 та цехда асбоб-ускуналар батамом янгиланиб, ишчиларга қулай иш шароитлари яратилди. Эндиги ҳаракат бешинчи цехда ҳам янги ускуналар ўрнатиш, унумдорликнинг янада юқори бўлиши ҳисобига даромадларни оширишга қаратилган. Цех тўла қувват билан ишга тушса,яна 76 та иш ўрни яратилади. Маъмурият ва касабақўм ҳамкорлигида олиб борилаётган ана шундай ибратли ишлар корхонани кун сайин юксалишини таъминламоқда.

**Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири**

## БОЛАЛАРГА ТУҲФА

***Қуйи Чирчиқ туманининг Дўстлик ширкат хўжалигидаги спорт мажмуи қайта таъмирланиб, болалар ихтиёрига топширилди. Шунингдек, хўжаликдаги 8-мактаб спорт зали ҳам таъмирдан чиқарилди.***

Аммо, тумандаги 28 мактаб спорт залига эга эмас. Борлари эса таъмирталаб. Шу йил феврал ойида иш бошлаган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими махсус комиссия ёрдамида жойлардаги мавжуд спорт иншоотлари ва жиҳозлар аҳволини ўрганиб, ана шундай хулосага келди.

Айни пайтда туманда беш минг кишига мўлжалланган тўрт стадион, 26 спорт зали, спорт мактаби ва ўнлаб спорт тўгараклари ишлаб турибди.

- Туманимизда юз мингга яқин киши яшайди, - дейди жамғарманинг туман бўлими раиси Х.Еломонов. - Шундан 23 мингдан ортиғини ёшлар ташкил этади. Тан олиш керак, ҳозирча уларга спорт билан шуғулланиш учун етарлича шароит яратиб бера олганимизча йўқ. Бу - қўл-қовуштириб ўтирибмиз дегани ҳам эмас, албатта. Муаммолар ўз ўрнида ҳал қилинмоқда. Айни пайтгача 80 фоиз мактабнинг спорт заллари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Спорт жиҳозлари - энг катта муаммомиз. Жамғарманинг вилоят бўлими бизга беш миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берди. Ўша жиҳозлар мактабларга топширилди.

**(ЎзА)**

## ТАТАРИСТОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Бош вазири Рустам Минниханов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 12 август куни Ўзбекистонга келди.***

Татаристоннинг ҳукумат аъзолари ва йирик саноат корхоналари раҳбарларидан ташкил топган мазкур делегация дастлаб «Ўзавтойўл» концернида музокара ўтказди.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзавтойўл» концерни раиси Рустам Юнусов билан суҳбат чоғида автомобил йўллари қуриш ва соҳа учун техника етказиб беришга оид масалалар муҳокама қилинди. Афғонистондаги автомобил йўлларини ҳамкорликда барпо қилиш, кўприклар бунёд этиш борасида фикр алмашилди.

Татаристоннинг «КамАЗ» акционерлик жамияти ва «Нижнекамскшина» каби саноат корхоналари раҳбарлари йўлсозликда ишлатиладиган техника ва эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, техникавий хизмат кўсатишда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик борасидаги музокараларни мутасадди вазирлик ва ташкилотлар даражасида давом эттиришга келишиб олинди.

Шу куни Татаристон делегацияси Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов билан ҳам музокара ўтказди. Суҳбат чоғида Тошкент ва Қозон шаҳарлари ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Меҳмонларнинг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси Азимжон Аюпов билан суҳбатида Ўзбекистон билан Татаристон Республикаси ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қуйиш икки томон учун ҳам манфаатли бўлиши таъкидланди.

**(ЎзА)**

## ОҚТЕПАНИНГ МАРМАРИ

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгунича Қўшработ туманида йирик саноат корхонаси нарида турсин, майдароқ цех ҳам йўқ эди.***

Сўнгги йиллари бу муаммо барҳам топмоқда. Айниқса, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгач, туманда ҳам кичик цехлар, мини заводлар, қайта ишлаш корхоналари пайдо бўла бошлади.

«Оқтепа» ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Ҳабибхон-ҒХН» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ана шундай кичик корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда қайта ишланиб, сайқалланган мармар плиталар бугун мамлакатимизнинг турли бурчакларида барпо этилган замонавий биноларга жило бериб турибди.

- Ўтган йили «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан тўрт миллион сўм кредит олиб иш бошлаган эдик, - дейди фирма раҳбари Ҳабибхон Ғаниев. - Мармарни Зарбанд конидан олиб келамиз. Маҳсулотимизга талаб катта. Шу боис иш ҳажми ҳам, ишчилар сони ҳам ошиб боряпти. Ҳозирча ўттиз кишимиз. Асосийси, банкдан олган кредитимизни муддатидан олдин қайтардик. Режаларимиз катта. Цехимизга замонавий технология ўрнатиб, хорижга маҳсулот чиқаришни кўзлаяпмиз.

**(ЎзА)**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ШАРТНОМА НОҚОНУНИЙ БЕКОР ҚИЛИНГАН

***Мураббий Мавжуда Сафоқулова хати билан танишар эканмиз, меҳнат қонунлари жиддий тарзда бузилганлигининг гувоҳи бўлдик. Мисол учун бирлашган халқ таълими бўлимларида фаолият кўрсатаётган барча ходимлар ўзлари эгаллаб турган лавозимлари бўйича қайта тасдиқланишлари ва ундан кейин агар янги штатлар жадвалига кўра қисқартириш кўзда тутилган бўлса, Меҳнат Кодексининг 102- ва 103-моддалари талабларига қатъий амал қилган ҳолда меҳнат шартномаларини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилиши лозим эди.***

Шунингдек, туманлар бирлаштирилгунга қадар, Пастдарғом туман халқ таълими бўлимида 3 та мутахассис ва Гўзалкент туманида 1 та мутахассис бирлиги, жами 4 та штат бирлиги мавжуд бўлган. Туманлар бирлаштирилгандан сўнг эса янги штат жадвалига асосан 4 та мутахассис ўрни сақлаб қолинган. Шунга кўра М.Сафоқулова билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ғайриқонуний ҳисобланади. Шундай вазият юзага келган ҳолатда эса Меҳнат Кодексининг 273-, 274-моддалари талабларига кўра иш берувчига ходимни аввалги ишига тиклаш ҳамда мажбурий ишда бўлмаган вақти учун ҳақ тўлаш мажбурияти юклатилади.

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси масалани Меҳнат Кодексининг 88-, 89-, 92-моддалари талаблари асосида ҳал этганида олам гулистон бўлар, опанинг бу қадар сарсон бўлиб юришига ҳожат қолмасди.

Бундан ташқари, мисол учун биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг қуйидаги жумласида, яъни ... «Пастдарғом тумани прокуратураси даъво аризаси билан қонунда белгиланган бир ойлик даъво муддатини узрсиз сабаб билан ўтказиб мурожаат қилган», - деган важ билан прокурорнинг даъвосини рад этган. Аксинча суд ушбу ҳолатни қуйидагиларга кўра узрли деб топиб, ўтказилган муддатни қайта тикласа дуруст бўларди. Биринчидан, М.Сафоқулова ўз вазифасидан қонуний равишда бўшатилмаганлиги бўйича ва унинг қонун доирасида кўриб чиқилишини сўраб, у Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, касаба уюшма тармоқ Марказий қўмитасига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман номига ҳамда Пастдарғом тумани прокуратурасига ариза билан мурожаат этган.

Туман прокуратураси томонидан аризада кўрсатилган важлар текшириб чиқилиб, ҳақиқатан ҳам қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 2002 йил 15 июнда прокуратура томонидан даъво ариза билан Темирйўл туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат этилган. Бундай ҳолатни суд узрли деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 270-моддаси, бешинчи қисмига мувофиқ ўтказилган муддат ва қайта тикланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир гап. Судга мурожаат этиш муддати ўтган бўлсада, суд мажлисида гувоҳлар сўроқ қилиниб, иш кўриб чиқилган. Диққат қилинса, биринчи инстанция судининг қарор қисмида қайси асосга кўра даъво қаноатлантирилмасдан қолдирилиши кўрсатилган эмас. Ҳал қилув қароридан ҳам кўриниб турибдики, ҳатто гувоҳлар аниқ кўрсатма берган бўлса ҳам негадир буларни суд эътиборга олмаган.

Масаланинг мана бу томони ҳам ажабланарли. М.Сафоқулова 1987 йил 2 сентябрда туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари лавозимига тайинланган. Иш жараёнида уни бошқа лавозимга ўтказиш ҳақида буйруқ бўлмаса-да, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда «Туман халқ таълими бўлими назоратчиси М.Сафоқулова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин» деб кўрсатилган. Буни қандай тушуниш мумкин?

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 101-моддасига биноан, ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга тегишли касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олгандагина йўл қўйилади. Аммо судга тақдим этилган туман халқ таълими бўлими бошланғич касаба уюшма қўмитасининг йиғилиш баённомаси амалдаги талабларга зид равишда расмийлаштирилган. У касаба уюшма йиғилиши ўтказилмаганлигидан, балки баённома кейинчалик, йўлигагина тузилганлигидан далолат бериб турибди. Демак, бошланғич касаба уюшма қўмитасининг мазкур қарори юридик кучга эга эмас. Чунки унинг сохталаштирилганлиги шундоққина кўриниб турибди.

Мавриди келганда айтиб ўтиш жоиз, М.Сафоқулова билан меҳнат шартномаси 2002 йил 8 апрелдан эътиборан штатлар қисқариши туфайли бекор қилинганлиги ҳолда, унинг иш ўрнига 2002 йил 4 апрелдан бошлаб бошқа ходим ишга олинган. Бундан чиқди қонунларга биноан штатлар қисқариши бўлмаган, шу сабабдан ҳам М.Сафоқулова билан меҳнат шартномаси ғайриқонуний тарзда бекор қилинган.

**Ш.СОЛИЖОНОВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси, даъвогарнинг жамоатчи ҳимоячиси, И.ХОЖИЕВ, Самарқанд вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳуқуқшуноси, даъвогарнинг жамоатчи ҳимоячиси**



Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Жалолкудуқ туманидаги Ойим қишлоғида яна бир янги – «Ойимтекстил» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. У йилига 4365 тонна калава ип ва 4200 тонна трикотаж газлама ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонага Германия ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган 35 миллион евро қийматига эга бўлган дастгоҳлар ўрнатилмоқда. У ишга тушгач, 700 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади.

***Суратда: (чапдан) ўраш цехи муҳандиси А.Мўминов ва германиялик мутахассис С.Йоши.***

# ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН

Бир вақтлар серқуёш Ўзбекистонимизда ҳунармандчилик кенг ривож топган. Қўлигул кишилар томонидан яратилган бежирим жиҳозлар, кийимлар, тўқилган матоларнинг таърифи кенг ёйилган. Бахтга қарши қизил империя давридаги нотўғри сиёсат туфайли ҳамма нарса пахтага, иложи борича кўпроқ пахта етиштиришга қаратилди. Йиллар ўтиши билан оддий устахоналар, кичик цехлар ҳам йўқ қилиб юборилди.

Мустақиллик шарофати туфайли тадбиркорликка, касб-ҳунар тараққиётига кенг йўл очилди. Қирқ ҳунарли, омилкор кишилар хайрли ишларга қўл уриб, ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришмоқда. Шулардан бири Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Сайд Овул» фермер хўжалигидир. Унга моҳир ташкилотчи Маматқул Саламов етакчилик қилмоқда. У ўзи каби меҳнатсевар йигитларни ёнига олиб, иштиёқ билан фаолият бошлади. Банкдан 37 миллион сўм кредит олгач, ўзига қарашли 200 гектар ерни меҳр билан парваришлади. Маҳаллий ўғит, нури ташиб келтириб, замин таркибини бойитди. Натижада қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олинди.

Ҳозир фермер хўжалигида 100 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ўртача ойлик маош 26 минг сўмни ташкил этаяпти. Яқиндан бошлаб «Сайд Овул» фермер хўжалиги аъзолари Россия технологияси асосида донни уруғликка тайёрлайдиган корхонани моҳирлик билан бошқармоқдалар. Асосан ўзлари каби фермер хўжаликларига сара уруғлик етказиб беришмоқда. Жорий йилда дон мўл бўлди. Маматқул ака ғалвир сувдан кўтарилганда камида 80 миллион сўм даромад қилишни айтди. Шунинг ҳисобидан чорва моллари туёқ сонини кўпайтириш, қайта ишлаш корхонаси барпо этиш ниятида.




Чиноз шаҳрида касб-ҳунар эгаллашни ихтиёр этган ёшлар кўп. Шу боис, «Мўъжиза» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси очилганида барча дилдан қувонди. Негаки, йигирма нафар йигит ва қиз муқим иш билан таъминланди. Дастлаб харидоргир маҳсулот – дока ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Буюртмачилар сони кўпайиб бормоқда. Корхона раҳбари Баҳодир Ўринбоевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда бўз ва чит ишлаб чиқариш ниятида саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти.

Бекобод шаҳридаги «Рустамбек» хусусий фирмасини кўпчилик танийди. Нега деганда вилоят кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Унга ўз касбининг устаси Ноила Ортиқова етакчилик қилади. Аҳолига аёллар ва эркаклар кийимини тикиш, кўрпа қавиш цехи ва гўзаллик салони орқали хизмат кўрсатилмоқда. Айниқса, никоҳ тўйларини ўтказаётган келин-куёвлардан кўплаб буюртмалар тушаяпти. Тошкент вилоятининг бошқа туманларидан ҳам харидорлар келаётганлиги тадбиркорларни ғоятда қувонтирмоқда.

**Ю.ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ибрат*

***Рамазон ака Абдуллаев Сурхондарёнинг Бойсун туманидан. Ёши 60 ни қоралаб қолган. Шундан 40 йилини ёш авлод тарбиясига бахшида этган. Бир қарасангиз, мактабнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги долзарб муаммоларни ўртага ташлайди. Ўқитишнинг замонавий илғор усулларини қўллаш хусусида ҳам мароқ билан сўзлайди.***

# ЎҚИТУВЧИ МАКТАБ ҚУРДИ

– Мактаб менинг суянган тоғим, - дея ҳикоя қилади у. 80-йиллар қишлоғимизда ўқув маскани йўқ эди. Ўқувчиларим билан 4-5 километр йўл босиб, мактабга қатнардик. Шу боис, ўзимиз яшаб турган жойда мактаб қуриш фикри хаёлимдан кетмай қолди. Бу ҳақда турмуш ўртоғим Норгул Назаровага гап очдим. У фикримни тўла-тўкис тушунди. Бригадир ва раисга учрашиб, масалага ойдинлик киритгач, уйдаги мол-ҳолларни сотиб бир қисм жамғармамни қўшдим-да, ишга киришдим. Қишлоқ фаоллари ҳам ёрдамларини аяшмади. Шундай қилиб, қисқа фурсатда мўъжазгина мактаб қурилиб, битказилди.

Орадан йиллар ўтди. Ўғил-қизларим вояга етиб, улар ҳам ўқитувчилик касбининг этагини тутишди. Менга яна бир фикр тинчлик бермасди. У ҳам бўлса, янги лойиҳа асосида шинам ва кўркам мактаб биносини бунёд этиш эди. Бел боғлаб ишга киришдик. Фарзандларим ва қишлоқдошларим ёнимда туриб беришди. Туман ҳокимлиги ҳам, халқ таълими бўлими вакиллари ҳам қўлларидан келган ёрдамларини аяшмади. Бу ишда «Дуоба» ширкат хўжалигининг бош муҳандиси Нормўмин Қурбонов, бош ҳосилот Назар Бобомуродов, укам, тадбиркор йигит Зиёдулла Абдуллаевларнинг хизматлари ҳам катта бўлди.

Мана олти йилдирки тоғлар қўйнида жойлашган «Гумматак» қишлоғидаги мактаб ўқувчи ёшлар билан гавжум. Туман халқ таълими бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, Рамазон ака раҳбарлик қилаётган ушбу илм маскани рейтинг тафсифида уч йилдан буён туманда рўйхатнинг биринчи поғонасини эгаллаб келаётир.

Зиё масканида ўз устида тинимсиз ишлаб, янгилик яратишга қодир педагоглар анчагина. Бу ерда юқори ўринларни эгаллаган ўқувчилар ойма ой махсус рағбатлантирилиб борилади. Бундан ташқари, мактабда стипендия ҳам ташкил этилган.

Мактабни таъмирлашда ота-оналар ва ҳомийлар ёрдамидан фойдаланилмайди. Чунки зиё масканига қарашли экин майдонидан яхшигина даромад олинади. Мактаб устахонасида аҳоли буюртмаси асосида эшик, ром ва бошқа буюмлар ясаш йўлга қўйилган.

Бугунги кунга келиб янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Мактаб биноси таъмирланиб, тоза ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. Буларнинг ҳаммаси Рамазон Абдуллаев ва ўғил-қизларининг шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширилди.

**Усмон СОЛИҲ ўғли,**
**«Ишонч» мухбири**

# ОБОДОНЧИЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

«Иброҳим-Маъруф» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Маъруф Обидов ишдан қайтганида уйидагилар уни маҳалла оқсоқоли Абдурашид ота йўқлаганини айтишди.

Маъруф ака оқсоқолни эндигина қурилиб, деразалар ўрнатилган, сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётган маҳалла маиший хизмат мажмуи олдида қурувчилар билан суҳбатлашиб турган чоқда учратди.

- Ўғлим, сен каттагина ойна цехининг раҳбарисан, - деди оқсоқол салом-аликдан сўнг. - Бинобарин маҳалламизда ойнанинг фарқига сендан кўра яхшироқ борадиган одам йўқ. Бу ерга қандай қалинликдаги ойна қўйган маъқул, маслаҳат берсанг, девдим.

- Бу ерга 10 квадрат метр ойна етарли. Шуниси менинг ҳисобимдан бўла қолсин. Яна қандай хизмат бор?

Пойтахтимизнинг Олим Хўжаев маҳалласида маиший хизмат кўрсатиш мажмуи шу тахлит қуриб битказилди. Қурилиш материаллари маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркорлар ҳиммати билан келтирилди, ҳашар йўли билан тикланди. Бу ерда истиқлолимизнинг 12 йиллиги арафасида маҳалла сартарошхонаси, устахона ва тиббий хизмат хоналари очилади.

Айни вақтда маҳаллада болалар спортини оммалаштириш, ёлғиз қарияларга ҳар томонлама кўмак бериш, тўю маъракаларни ихчам ва мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор берилаётир.

- Маҳалла ободлиги нафақат саранжом-саришталик, озодагарчилик билан, балки одамларнинг юксак маънавияти, бунёдкорлиги, тўкис турмуши билан ҳам белгиланади, - дейди маҳалла оқсоқоли А.Нажмиддинов. - Шу боис маҳалламиз кўчалари ўртасида ўтказилаётган «Энг обод кўча» танловида бу жиҳатларга ҳам катта эътибор қаратяпмиз. Зеро, юрт ободлиги кўчаю маҳаллалар ободлигидан бошланади.

**(ЎзА)**

# ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ

***Андижонда очилган доимий кўргазмадан турли хилдаги кузги ва қишки мавсум кийим-кечаклари ўрин олди.***

Мазкур тадбир вилоят марказида ташкил этилган иккинчи кўргазма бўлиб, бу ерда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига улгуржи ва чакана буюртмаларни расмийлаштириш мумкин. Кўргазмада ип-газлама маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Бобур номли акционерлик жамияти, «Антекс» акционерлик жамияти, Андижондаги «Олтин дери», «Кезар тур» қўшма корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Намангандаги «Косонсой текмен», «Муштарий» акционерлик жамиятлари, пойтахтдаги корхоналар ва бошқалар ҳам турли хил кузги ва қишки мавсум либосларини таклиф этмоқда.

***«Наманганагромаш» акциядорлик жамияти негизида ташкил этилган «Ўзсинекта-насосмаш» ўзбек-чех қўшма корхонаси жаҳон бозорида харидоргир ҳисобланган саноат насослари ва насос агрегатлари ишлаб чиқармоқда.***

# СУВ НАСОСЛАРИ ХОРИЖГА

Янги қўшма корхонанинг хорижлик муассиси «Insi Indastrial» корпорацияси халқаро бозорда қирқ йилдан буён фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда ушбу корпорацияда тайёрланган насослар ёрдамида бир ярим миллион гектарга яқин майдондаги экин суғорилмоқда. Янги шериклар мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилган шарт-шароитларни ҳисобга олиб, бу ерда ўз фаолиятларини тобора кенгайтириб боришаётир. Улар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхонада жаҳон андозаларига тўла мос келадиган «Meta plyus», «Beta», «Gama», «MSA», «S» каби саноат насослари ишлаб чиқарилмоқда. Бу насослар сувни 236 метр баландликкача узата олади.

**«Туркистон — пресс»**

# ДЕҲҚОНГА МАНЗУР ТЕХНИКА ТАҚДИМОТИ

***«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида 10 хилдан ортиқ қишлоқ хўжалиги машина ва ускунаси ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу янги техниканинг мамлакатимиз истиқлолининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган тақдимот маросимида республикамиз вилоятлари ва хориждан ташриф буюрган соҳа мутахассислари, йирик корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари иштирок этди.***

Юртимиз мустақилликка эришиб, иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланиши Тошкент трактор заводи олдига ҳам янги вазифаларни қўйди. Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур корхонада ҳозир универсал «Кейс» трактори учун бутламаларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш, техник қайта қуролланиш ва янги қувватлар яратиш бўйича 2004 йилгача мўлжалланган дастур амалга оширилмоқда.

Замон ва деҳқон талабига мос, сифатли, йил-ўн икки ой далада тинмай ишлай оладиган трактор ва тиркамалар ишлаб чиқарилмоқда. Булар янги моделдаги юқори қувватли ТТЗ-60, ТТЗ-80 ва ТТЗ-100 универсал тракторларидир. Бундай русумли тракторлар шудгор қилишдан то ўсимлик қатор ораларига ишлов бериш ва йиғим-терим ишларини бажаришгача бўлган жараёнда жуда қўл келади.

2002 йил май ойида бу ерда Хитойдан келтирилган бутловчи қисмлардан минитракторлар йиғиш бошланган эди. Ҳозир мазкур тракторлар қўшимча ускуналар, бульдозер, сихмола, ўғит сочгич, қишлоқ хўжалик юкларини ташиш учун ярим тиркамалар билан таъминланмоқда. Бундай қулай техника деҳқон ва фермерларга ғоят манзур бўлаётир.

Завод маҳсулотларига хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш тобора ортмоқда. Корхона маҳсулотлари Туркия, Покистон, Миср, Туркманистон, Африка давлатларига экспорт қилиняпти.

**(ЎзА)**

# ПРОФЕССОР ДАЛА КЕЗАДИ

Сурхон воҳасининг кенг ва бепоён далаларида ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Айниқса, Қизириқ тумани миришкорлари катта зафар қучишди. Улар 40 минг тоннадан ошиқ ғалла етиштириб, давлатга дон сотиш режасини республикада биринчи бўлиб уддалашди. Ғалла ва пахтачиликка ихтисослашган «Гиланбоб» ширкат хўжалиги деҳқонлари билан суҳбат чоғида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Хўжаликда 1148 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, шундан 504 гектар жойга ғалла экди. Ундан 1300 тоннадан ошиқ сара дон олинди. Ҳосилдорлик ўртача 55 гектарни ташкил этди.

_ Дарҳақиқат, ғаллакорлар учун қозон ҳам чўмич ҳам мойга тўладиган йил бўлди, – дейди хўжалик раиси Мамаюсуф Суюндиқов. – Пудратчиларимиз ерга эгаликнинг самарасини кўришди, десам асло муболаға бўлмайди. 650 тоннадан ошиқ ғалла уларнинг ўзларига тегди.

Айниқса, Турди Қосимов, Аҳмад Нуралиев, Олтинбой Раззоқов, Тўра Нуралиев каби пудратчилар ибрат намунасини кўрсатишди. Улар гектарига 60-65 центнердан ҳосил олишди. Машаққатли меҳнат ва ерга бўлган меҳр зое кетмади. Ошиқча олинган 10-15 тонна сара дон ўзларига қолди.

Айни кунларда хўжалик аъзолари бир тану бир жон бўлиб ғўза парваришига зўр беришмоқда. 552 гектар пахтазор 124 нафар пудратчи учун том маънода жасорат майдонига айланган.

Пайкалларга боқиб кўз қувнайди. Пудратчи Шуҳрат Абдуназаров далаларида иш қизғин кетмоқда. Кўсаклар очилиши арафасида...

Шуҳрат ака, айтиш мумкинки, пахтачилик профессори. Ғўза баргига қараб даланинг авзойини билади. Кўсакларни санаб ҳосил чўғини чамалайди. Гиланбоблик деҳқонлар учун бу ота мерос. Қизириқ чўлини ўзлаштиришга келганлар ҳам дастлаб шу хўжаликда ишлаб тажриба орттиришганлиги бежиз эмас. Меҳнатнинг таги роҳат деганларича бор экан. Аҳоли турмуш тарзи йилдан-йилга яхшиланмоқда. Тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш муаммолари барҳам топмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, қарамоғида ҳеч кими йўқ кишилар меҳрибонлик билан чулғаб олинган.

Шу билан биргаликда пайчиларни моддий рағбатлантириш доимо диққат-эътиборда. Касаба уюшмаси ва ширкат бошқаруви раиси ташаббуси билан жорий йилда 60 нафар бола «Наврўз» сиҳатгоҳида дам олдирилди. 50 дан зиёд деҳқонлар вилоятнинг «Семашко» ва «Сурхон» сиҳатгоҳларида имтиёзли йўлланмалар билан дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. Хўжалик ёрдами билан тумандаги 2-ўрта мактабни таъмирлаш ниҳоясига етди.

Офтоб она-заминни севганидек, гиланбоблик деҳқонлар ҳам ерни худди шундай севиб ардоқламоқдалар. Ва айнан шу муҳаббатлари туфайли қадр топмоқдалар.

**Т.ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Гиёҳвандликка қарши муросасиз курашайлик*

# УЛАР ҚОНУН ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРДИЛАР

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ичида энг ёмони – бу заҳри қотилни ташиш ва сотишдир. Бундай жиноятни содир қилувчилар героинни истеъмол қилмайдилар. Балки ўз нафси йўлида ўзгаларнинг соғлиғига раҳна соладилар. Ана шундай шум ниятли кишилардан бири Боғот туманидаги Хитой қишлоғида яшовчи Озод Бекниёзовдир. Бу шахс 1999 йилда гиёҳванд моддалар билан савдо қилгани учун Боғот туман суди томонидан озодликдан маҳрум қилинган эди. Лекин у бу жазодан ўзига хулоса чиқариб олмади. Қамоқ муддатини тамомлаб келгандан кейин олдинги қилмишини яна давом эттирди. О.Бекниёзов аллақаёқлардан олиб келинган заҳри қотилни ҳамқишлоғи Алишер Оллоёровнинг уйига олиб келиб, пуллашга тушди. Уларнинг бу хатти-ҳаракати узоққа бормади. Боғот тумани ички ишлар бўлими ходимлари Озод Бекниёзов ва унинг ҳамтовоғи Алишер Оллоёровни далилий ашё билан ушладилар. Улар суд қилиниб, тегишли жазо олдилар.

Урганч шаҳар 3-кичик даҳа 31-уйда яшаган Шаҳло Ирматова шу йўл билан пул ишлашни ўзига касб қилиб олди. Оиласиз, бармоқларида тилла узук ва бўйнида тақинчоқларни кўз-кўз қилиб юрувчи бу аёл кўза кунда эмас, кунида синишини ўйламас эди. Чунки чўнтаклари жарақ-жарақ пуллар билан тўлиб юрадиган бу танноз ҳамма нарсани пул билан кесаман, деб ўйларди. Лекин унинг бу ўйлари хомхаёл бўлиб чиқди. Шу йилнинг 8 январида вилоят ички ишлар бошқармасининг тезкор тадбирлари натижасида у жиноят устида қўлга олинди. А.Қодирий кўчаси 38-уйда яшовчи Қ. Ўрбонбоеванинг ҳам «героин» билан савдо қилиши ички ишлар идораларига маълум бўлди. Лекин унинг уйи тинтув қилинганда, ҳеч нарса топилмади. Изқуварлар аёлнинг махсус чўнтагидан 4,98шраммлик героинни топиб олдилар.

Урганч шаҳар деҳқон бозорида тарозибон бўлиб ишловчи Камолиддин Эшчонов эса ҳеч кимдан қўрқмасдан ўтирган жойида заҳри қотилни пуллаётганда қўлга тушди.

Шунингдек, Урганч туманидан С.Қаландаров номли ширкат хўжалигида яшовчи Эркин Матниёзов, Ҳазорасп туманидан Д.Сафоев, М.Қаландарова, М.Рўзиматовалар гиёҳвандлик моддаларини олиб-сотиш билан шуғулланганi учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшмалари —меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси*

***Бухоро вилоят касаба уюшмалари кенгашига келган хатлар орасида Жондор туман Тошқул Хотамов номли ширкат хўжалигининг биринчи бригадасида яшовчи Жамила Саидованинг шикояти ажралиб турарди.***

***Муаллиф ўз мурожаатномасида узоқ йиллар Жондор тумани «Қишлоқ хўжалик кимё» филиалида бош ҳисобчи вазифасида ишлаган турмуш ўртоғи марҳум Ражаб Саидовнинг янги раҳбар томонидан қадр-қиммати камситилгани хусусида куйиниб ёзади.***

# ТОВОН ПУЛИ

## марҳумнинг оиласига тўланадиган бўлди

Дастлабки текширишдаёқ шикоятда билдирилган даъволарнинг аксарияти ўз тасдиғини топди. Жумладан, филиал мутасадди раҳбарларининг ҳуқуқий жиҳатдан бўшлиги, ўз хизмат вазифалари, қўл остидаги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларига совуққонлик билан қарашлари яққол намоён бўлди.

Бир неча ўн йиллардан буён ушбу филиалда ишлаб келган ва охирги вақтларда соғлиғи ёмонлашган бош ҳисобчи Р.Саидовга нисбатан олиб борилган ноқонуний ҳаракатлар бизни чуқур мулоҳазага ундади. Шу боис воқеани батафсил баён қилишни лозим топдик.

«Мавлон» аудиторлик ташкилоти томонидан филиалнинг 2001 йил сентябрдан 2002 йил 1 апрелгача бўлган фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилган. Аудитор Р.Умаров, филиал мудири З.Зокиров, бош ҳисобчи Р.Саидовлар аниқланган камчиликлар тўғрисида биргаликда далолатнома тузиб имзолаганлар.

Аудиторлик ташкилоти ушбу текшириш юзасидан корхонага ўз хулосасини тақдим ҳам қилган. 2002 йил 27 май куни филиалнинг умумий йиғилиши чақирилиб, унда аудитор Р.Умаров ҳам иштирок этади. Мажлисда тафтишчининг текшириш якунлари ҳақидаги ҳисоботи тингланади ва муҳокама қилинади.

Филиалнинг собиқ мудири Ботир Болтаев ушбу йиғилишда сўзга чиқиб, негадир Р.Саидовнинг камчиликларини кескин қоралашга тушади. Қизиқ ҳол. Чунки ўша пайтда у раҳбар эди. Шундай экан, нега у нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан шошилинч чоралар кўрмади. Бизни ана шулар таажжубга солади. Хуллас, мажлис камчиликларга йўл қўйганлиги, хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун бош ҳисобчи Р.Саидов «Эгаллаб турган вазифасидан озод қилинсин» деган тўхтамга келди.

Лекин 2002 йил 27 май кунги филиал мудирининг Р.Саидовни 2002 йил 28 майдан меҳнат таътилига чиқариш тўғрисидаги буйруғи юқорида таъкидлаб ўтилган хулосани инкор этиб турибди. Қолаверса, ходимнинг аризаси бўлмаса-ю уни таътилнинг 2 куни ўтгандан сўнг буйруқ чиқарилиб вазифасидан озод қилинса. Устига-устак филиал раисига бош ҳисобчини таътилга чиқариш ваколати берилмаган. Шундай экан, 2002 йил 27 майдаги буйруқни қонуний кучга эга деб бўлмайди.

Р.Саидов 26 июн 2002 йилдан ишга чиқиши керак эди. Аммо у бетоб бўлиб қолади. Касаллик варақаси 18 августгача давом этади.

Демак Р.Саидовнинг ишга чиқиши 28 августдан бошланиши лозим. Шунга қарамасдан, раҳбарнинг 2002 йил 19 августдаги 94 -сонли талабномасида ходимнинг 61 кун ишга келмаганлиги рўкач қилинади.

2002 йил 27 августда вилоят «Қишлоқ хўжалик кимё» акциядорлик бирлашмаси раиси Н.Ғаниев, юқоридаги хулосаларни асос қилиб, унинг кучга эга ёки эга эмаслигини суриштириб ўтирмай, ўзининг 61-сонли буйруғига имзо чекади. Унга кўра бош ҳисобчи Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-банди билан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади. Шу тариқа 2 ўртада имзоланган меҳнат шартномаси ҳам бекор қилинади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекснинг 100-моддаси 6-банди ҳамда 102-моддаси 3-бандига асосан меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмагани ёки соғлиғи холатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда (100-модданинг 2 банди) «Иш берувчи» меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши шартлиги кўрсатилган.

Ходим меҳнатга қобилиятсизлиги даврида ва норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида эса меҳнат шартномасини «Иш берувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари бунда касаба уюшма қўмитаси розилиги олинмаган. Демак, маъмуриятнинг юқоридаги буйруғи қонуний кучга эга эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бирлашма раҳбариятидан Р.Саидовнинг касаллик варақаси ҳамда меҳнат таътили тўловларидан қолган 24232 сўм миқдоридаги пулини, шунингдек, мажбурий прогул учун 9 ойлик маошини унинг оиласига тўлаб беришни талаб қилинди. Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг 274-моддасига асосан меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги учун етказилган зарар ўрнини қоплаш мақсадида корхона раҳбарияти томонидан уч ойлик миқдоридаги товон пулини марҳумнинг оиласига тўланадиган бўлди.

**Рамзжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**вилоят АСМ ходимлар касаба уюшма қўмитаси ҳуқуқшуноси**

